

# ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА СУҒУРТАНИНГ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

**Кўчаров Мурод Бахтиёрович**  
*“MY INSURANCE” АЖ СТ Бош директори*

Инсоният пайдо бўлгандан бери у табиат ҳодисаларининг вайронкор оқибатларига қарши курашиб келган ва юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш мақсадида натурал кўринишдаги заҳираларни тўплашга ва ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириб келган.

Табиат ҳодисаларига қарши якка ҳолда курашиши қийинлиги аён. Шунинг учун инсонлар бундай ҳодисаларга қарши уюшган ҳолда курашиш мақсадида ўзаро келишган ҳолда деҳқонлар ўртасида, савдогарлар ўртасида ва кейинчалик бошқа касб эгалари ўртасида ўзаро суғурта жамиятлари ташкил этишган.

Юқоридаги каби жамиятларнинг пайдо бўлиши эрамиздан олдинги узоқ даврларни ўз ичига олган бўлиб, кейинчалик бундай келишувлар давлат даражасида, яъни давлатнинг белгилаган қонун-қоидаларида ҳам ўз аксини топган. Бунга мисол тариқасида эрамиздан олдинги икки мингинчи йилликда ҳукм сурган Бобил (Вавилон) подшоҳлигидаги Ҳаммурапи қонунларида буюк ипак йўли бўйлаб ҳаракатланувчи савдо қарвонларида йўлда турли ҳодисалар натижасида савдогарнинг кўрган зарарини қарвондаги бошқа барча савдогарлар томонидан қоплаб беришнинг белгилаб қўйилишида кўриш мумкин[1].

Суғурта жамиятларида суғурта фонди олдиндан шакллантирилмаган, фақат ҳодиса юз бергандан кейин олдиндан белгиланган шартлар асосида аъзолардан маблағ тўпланиб зарар қоплаб берилган. Ушбу ҳолат мазкур суғурта жамиятларининг энг асосий камчилиги эди. Бу эса XIV-асрга келиб, пул кўринишидаги суғурта фондини олдиндан шакллантирадиган тижоратга асосланган суғурта ташкилотларининг пайдо бўлишига олиб келди. Суғурта фондини олдиндан шакллантирадиган ва шартнома асосида жавобгарликни ўз зиммасига оладиган бундай суғурта ташкилотларида молиявий барқарорликни таъминлаш масаласи ўз-ўзидан биринчи даражага кўтарилди.

Тижорат асосида ташкил этиладиган суғурта ташкилотлари кенг имкониятларга эга бўлиб, улар ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсинг ҳаёт ва фаолияти билан боғлиқ барча хавф-хатарларни суғурталаш билан ўз зиммаларига катта ҳажмдаги суғуртавий жавобгарликларни олади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу суғурта ташкилотларининг молиявий жиҳатдан барқарор ва тўловга қобил бўлишини талаб этади.

1-жадвал

**Ўзбекистон суғурта компаниялари томонидан олинган суғуртавий жавобгарликлар ва тўпланган суғурта мукофотларининг йиллар бўйича ўсиш динамикаси [2] (трлн.сўмда)**

Кўрсаткичнинг номи	2013	2014	2015	2016	2018
Олинган мажбуриятлар	848 609,4	1 098 323,3	1 236 985,3	2 103 037,6	2 341 558,5
Тўпланган суғурта мукофотлари	2 314,1	2 213,7	3 733,0	6 231,7	8 059,7
Мажбуриятларга нисбатан суғурта	0,27	0,20	0,30	0,30	0,34

мукофотларинин г ҳиссаси					
-----------------------------	--	--	--	--	--

Албатта бу келтирилган суммаларнинг ортида катта жавобгарлик ётипти. Шундай катта ҳажмдаги мажбуриятни олганлиги учун суғурта компаниялари мукофот сифатида олган жами маблағлар ўртача 0,30 фоизни ташкил этмоқда. Хулоса қилиш мумкинки, суғурта компанияси ўз мажбуриятларини бажара олиши учун талаб қилинадиган молиявий барқарорлик жуда муҳим ҳисобланади ва бундай барқарорликни таъминлаш мураккаб масала бўлиб, катта билим, малака, тажриба ва илмий асосланган усуллар талаб қилинади.

Суғурта категория бўлиб, молия категориясининг қисми сифатида амал қилади. Ҳозирги замон иқтисодий фанида молия категориясини турлича талқин қиладилар. Вознесенский Э.А., Казак А.С., Марамигин М.С., Сабанти Б.М. каби олимлар молиянинг шаклланишида давлатнинг ролини устқурма категорияси сифатида эътироф этадилар. Бошқа бир олимлар, масалан, Дробозина Л.А., Поляк Г.Б. кабилар молияни оила бюджетининг шаклланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ уй хўжалиги ичидаги муносабатларни акс эттирувчи “уй хўжалиги молияси” категорияси дея эътироф этадилар.

Иқтисодчи олим В.М.Родионованинг фикрича, молия умумий такрор ишлаб чиқариш жараёнлари ва унинг босқичларини акс эттирувчи хусусиятга эга бўлиб, такрор ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлаш қай даражада мутаносиб тақсимланаётганлигидан далолат беради[3].

Суғурта молия категориясининг қисми сифатида эътироф этилсада, у ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан

иборат:

-суғуртанинг мулкнинг пул шаклидаги эҳтимолий ҳаракати билан боғлиқлиги;

-суғурта учун зарарни тақсимлашнинг чегараланганлик хусусияти хос. Яъни суғурта муносабатларида иштирок этаётганларнинг ичидаги зарар кўрганларнинг зарари жами иштирокчилар ўртасида тенг тақсимланиши;

-суғуртанинг маълум доирадаги ҳаракати – маълум ҳудуд ва вақт доирасида;

-суғурта фондига йўналтирилган маблағларнинг қайтарилиш хусусиятининг мавжудлиги.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун ҳамда олимлар томонидан берилган, суғуртанинг моҳиятини очиб берувчи таърифлар ҳамда келтирилган суғурта хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда суғуртага қуйидагича таъриф бериш мумкин: *суғурта – мақсадли пул фондларини шакллантириш ва инсонлар ҳамда иқтисодий субъектлар фаолияти билан боғлиқ маълум ҳодисалар (суғурта ҳодисалари) юз берганда уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишлатиш билан шугулланувчи иқтисодий муносабатлар тизимидир*<sup>3</sup>.

Суғуртанинг функцияси суғуртанинг иқтисодий моҳиятига мос келади ва унинг намоён бўлишининг ташқи шакли ҳисобланади. Иккинчи томондан, улар суғуртанинг ўзига хосликларини молиявий тизимнинг звеноси сифатида намоён бўлишига имконият яратади.

Молиянинг тақсимлаш функцияси суғуртанинг алоҳида ҳолатида

---

<sup>3</sup> Таъриф муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

қуйидаги функцияларда намоён бўлади:

1) суғуртанинг барқарорлаштирувчи (рискли) функцияси асосий функция бўлиб, суғуртанинг моҳиятини акс эттиради;

2) огоҳлантирувчи функция суғурта фондининг бир қисми ҳисобидан суғурта рискларининг юз бериш эҳтимоллигини камайтириш тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади;

3) омонат функцияси ҳаёт суғуртасида амал қилиб, бунда суғурталанувчиларнинг пул маблағлари омонат сифатида тўпланади.

Молиянинг назорат функцияси суғуртанинг шунга мос қуйидаги функцияларида намоён бўлади:

4) суғуртанинг назорат функцияси суғурта фондини шакллантириш ҳамда ундан фойдаланиш мақсадида дастурлар, актуар ҳисобларнинг методикаларини ишлаб чиқишда, прогнозлар қилишда, фонддан фойдаланиш натижаларини баҳолашда амал қилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларига аралашув билан боғлиқ молиянинг тартибга солувчи функцияси суғуртанинг махсус функцияси сифатида қуйидагиларда намоён бўлади:

5) суғуртанинг тартибга солувчи функцияси вақтинчалик бўш бўлган суғурта фондини инвестицияга йўналтириш ҳисобидан ишлаб чиқариш соҳасининг узлуксизлигини ва баланслашувини таъминлашда ва ижтимоий суғурта шаклида фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда қўлланилади.

Суғурта компанияларининг молиявий фаолиятини тўғри ва рационал ташкил қилиш унинг самарали фаолиятга эришишида муҳим фактор ҳисобланади[4]. Бунинг учун уларнинг ушбу фаолиятини доимий равишда ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш зарур.

Ишлаб чиқариш корхонаси учун инвестицияларни молиялаштириш капиталини яратишда муҳим молиявий муаммони юзага келтиради. Суғурта компаниясида эса инвестиция маблағлари етарли даражада бўлиб, асосий масала эса ундан самарали фойдаланишни ташкил қилишдир. Яъни инвестицияга йўналтирилаётган маблағлар қайтишлик, ликвидлилик, даромадлилик талабларига жавоб бериши керак, бу эса унинг диверсификациясини таъминлаш заруратини келтириб чиқаради.

Корхоналар иқтисодиётини тадқиқ қилиш корхона фаолиятини режалаштириш, молиявий бошқариш, инвестицияларни назорат қилиш ва ҳисобини юритиш каби иқтисодий инструментларни шакллантиришга йўналтирилади. Суғурта компаниясини молиявий бошқариш вазифаси риск шароитида қарорлар қабул қилишдан иборат[5].

Суғуртада суғурта компанияси учун барқарорлик ва хавфсизликка интилиш муҳим ҳисобланади. Суғурта компанияларига нисбатан кўп ҳолларда “биринчи ўринда ишончлилик” концепцияси қўлланилади[6].

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. В.Б.Гомелля, Ю.Б.Рубин, В.И.Солдаткин Страховой портфель. М.: СОМИНТЕК 1994, с.7.
2. <http://www.mf.uz> сайти.
3. Родионова В.М. Финансы. –М.: Финансы и статистика, 2002. – с.456.
4. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятий. Москва, ИНФРА-М, 1998. 343 с.
5. Sears, Roebuck and Co. and Affiliated Corporations v. Commissioner. 96 TO No.5 (1991).

6. Крутик А.Б., Никитина Т.В. Организация страхового дела. СПб.: Изд.дом “Бизнес-пресса”. 1999. –с.304.